



ТОВАР-МОДДИЙ ЗАХИРАЛАР АУДИТИНИ ЎТКАЗИШНИНГ АСОСИЙ БОСҚИЧЛАРИ



М.Хайитбоев
ТДИУ, "Аудит" кафедраси доценти, PhD

С.Овлаев

ТДИУ, "Аудит" кафедраси ўқитувчиси
О.Йўлчиев

ТДИУ, "Аудит" кафедраси ўқитувчиси

Аннотация: Ушбу мақолада товар-моддий захираларнинг моҳияти, уларни аудиторлик текширувидан ўтказиш масалалари ёритилган. Мақолада товар-моддий захиралар аудитини халқаро стандартлар асосида ташкил қилиш йўналишлари белгилаб берилган. Муаллифлар томонидан товар-моддий захиралар аудитини ўтказиш босқичлари ишлаб чиқилган ва мазкур босқичларда аудитор томонидан бажариладиган амаллар келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: inventory, audit, international standards of auditing, fraud, materiality, audit risk, overall audit plan, audit program.

КИРИШ

Жаҳон бозорида иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишда асосий эътибор хом-ашё ва ресурслардан оқилона фойдаланиш, унумсиз харажатларни тежаш ва маҳсулот таннархини камайтириш муҳим ўрин тутади. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ҳар қандай хўжалик юритувчи субъект ўз тасаррӯфидаги товар-моддий захиралар ҳисоби ва аудитини тўғри ташкил қилиш ҳамда улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириши зарур бўлади.

Товар-моддий захиралар аудитини самарали ташкил қилиш орқали хўжалик юритувчи субъектларда маҳсулот таннархини камайтиришга, фойда миқдорини оширишга ҳамда молиявий барқарорлик кўрсаткичларининг яхшиланишига эришиш мумкин. Шу боисдан товар-моддий захиралар аудити методологиясини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш муҳим ҳисобланади.

МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Товар-моддий захиралар аудитини ўтказиш масалалари билан кўпгина иқтисодчи олимлар шуғулланишган.

Бир гуруҳ иқтисодчи олимларнинг фикрича, товар-моддий захиралар харажат моддаларининг муҳим қисми ҳисобланиб, молиявий натижаларга сезиларли таъсир этади. Шу боисдан бухгалтерия балансида захиралар хусусида

ишончли маълумотлар олиш учун аудитнинг илғор усулларини қўллаш мақсадга мувофиқдир [7].

Руминиялик иқтисодчи олим Кристина Иовунинг таъкидлашича, товар-моддий захиралар бухгалтерия балансида катта салмоққа эга бўлади. Шу боис товар-моддий захиралар аудити мураккаб жараён ҳисобланади ҳамда айнан товар-моддий захиралар билан боғлиқ операциялар фирибгарликка мойил бўлгани учун аудиторлик текширувларида товар-моддий захираларнинг жисмоний ҳолатини аниқлашга қаратиш лозим [5].

Бир гурӯҳ АҚШлик иқтисодчи олимлар таъкидлашича, товар-моддий захиралар аудитида кўпгина усуллар қўлланилади. Бироқ товар-моддий захиралар аудитида энг самарали усул инвентаризация бўлиб, мазкур жараён бевосита аудиторнинг иштирокида ўтказилиши лозим [1].

Хитойлик иқтисодчи олимлар Х.Ви, Х.Ванг ва Ю.Янгларнинг фикрича, товар-моддий захиралар жорий активларнинг энг муҳим таркибий қисми ҳисобланади ва аудиторлик текширувларининг асосий обьекти сифатида аудиторнинг хизмат ҳақини белгилашда асосий омил ҳисобланади [9].

Аммо юқорида қайд этиб ўтилган олимларнинг асарларида товар-моддий захиралар аудитини ташкил этишининг методологик жиҳатларига кенг эътибор қаратилмаган.

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Тадқиқот ишида кузатиш, умумлаштириш, гуруҳлаш, таққослаш, индукция, дедукция каби усуллар қўлланилди.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Товар-моддий захиралар аудитни ўтказиш режалаштириш жараёнидан бошланади. Товар-моддий захиралар аудитини режалаштириш аудиторлик текширувининг муҳим йўналишларини аниқлаш имконини беради. Аудиторлик текширувини ўтказишга концептуал ёндашув товар-моддий захиралар аудитини ўтказиш учун асосий ёндашувлар ва босқичлар кетма-кетлигини танишга имкон беради.

Фикримизча, товар-моддий захиралар аудитининг энг муҳим босқичлари қўйидагилар ҳисобланади:

Аудитни режалаштириш.

Ички назорат тизимини (ИНТ) баҳолаш.

Аудит режаси ва дастурини шакллантириш.

Аудит амалларини бажариш.

Натижаларни расмийлаштириш.

Товар-моддий захиралар билан операциялар аудитини режалаштириш умумий режа ва аудит дастурини ишлаб чиқиши ўз ичига олади. Аудитни режалаштириш ва амалга ошириш жараёнида аудитор аудит ўтказилаётган корхонанинг раҳбарияти шубҳали, деб таъкидламаслиги, лекин раҳбарият мутлақо ҳалол эмас, деб ҳисбламаслиги керак.

Аудиторлик текшируви одатда муддат бўйича чекланади. Шунинг учун ижобий натижа бериш учун унга яхши тайёрланиш керак. Тўғри тайёргарлик етарли даражада самарали ва унумли аудит усуслари қўлланилишига ишонч яратадиган бундай тайёргарликнинг муҳим воситасидир.

Аудиторлик текширувларини ташқил қилишда аудитнинг халқаро стандартларидан кенг фойдаланиш лозим. Иқтисодчи олим А.Авлокуловнинг фикрича, айнан аудитнинг халқаро стандартларини қўллаш аудит сифатини оширишга ва турли мамлакатлар ўртасида ягона ёндашувни қўллашга хизмат қиласди [2].

Режалаштириш босқичида аудиторлар “Аудитни режалаштириш ва амалга оширишда муҳимлик” номли 320-сонли АХСга мувофиқ муҳимлик даражасини ҳисоблайди.

Шу ўринда, иқтисодчи олимларнинг “муҳимлик” тушунчасига ёндашувларини кўриб чиқайлик. Профессор С.М. Бычкованинг фикрича, “муҳимлик” тушунчаси аудитда муҳим аҳамият касб этади, чунки муҳимлик даражаси нотўғри ёки қўйиладиган хатолар ҳажми, шунингдек аудит ҳажми ва аудит ҳисботи шаклини белгилайди [2]. Ўз навбатида, профессор В.И. Подольский қайд этадики, аудитор муҳимликнинг эҳтимолий даражасини ўз профессионал фикрларидан келиб чиқиб, мустақил ҳисоблаб чиқади [3].

Т.М.Рогуленко ва С.В.Пономареваларнинг фикрича, сифат нуқтаи назаридан аудитор текширилаётган корхонанинг амалдаги қонунчиликка риоя этишда у аниқлаган оғишлар муҳим ҳисобланишини ҳал этиши керак [6].

Аудиторнинг муҳим хатоларни аниқлаш қобилияти қуйидаги омилларга боғлиқ; қабул қилинган ҳисоб сиёсати ва ҳисоб сиёсати қоидалари талаблари ва улардан чиқиши даражасига мувофиқлиги ҳамда ички ва ташқи аудиторлар томонидан аниқланган жиддий хатоларнинг мавжудлиги эҳтимолини баҳолаш; текшириш вақти ва нархига чекловлар; аудиторнинг професионаллиги ва ҳоказо.

Режалаштириш умумий аудиторлик режасини бажариш учун зарур текширув амалларининг моҳияти, вақти ва ҳажмини ўз ичига олган аудит дастурини ишлаб чиқишидан иборат. Дастурдан аудиторлик гуруҳлари раҳбарлари томонидан аудитор ёрдамчиларини ўқитиш учун фойдаланилади.

Бундан ташқари, таъкидлаш жоизки, молиявий ҳисботни текшириш учун аудиторлик режасини тайёрлаш пайтида тузилган ишчи хужжатлар, аудиторлик хужжатларининг муҳим қисми ҳисобланади.

Товар-моддий захиралар аудитининг вазифалари асосида аудит текшируви режасини тузиш ва ўзгартириш зарур. Умумий аудит режаси аудиторлик дастурини ишлаб чиқишини йўлга қўйиш учун етарлича батафсил бўлиши керак. Унда товар-моддий захиралар аудитини ўтказиш стратегияси акс эттирилади. Аудит дастури режалаштирилган амаллар, ўтказиш вақти ва аудит ўтказиш учун масъул шахсларни қамраб олади. Аудит дастурига ҳар бир аудит обьекти учун молиявий ҳисботлар тайёрлаш, турли соҳалар учун режалаштирилган муддатлар ёки аудит амаллари ҳам киритилиши мумкин.

Шундай қилиб, режалаштириш босқичида аудит режасини тузишда аудиторлар қуйидагиларни эътиборга олишлари керак: ташкилотнинг фаолият

турлари; риск ва муҳимлик; аудит амаллари доираси; товар-моддий захиралар билан операцияларнинг аҳамияти; компьютерда маълумотларни қайта ишлашнинг захираларга таъсири; ички аудитнинг мавжудлиги ва унинг захиралар бўйича вазифалари; аудиторлик хулосасини тақдим этиш муддатлари.

Кейинчалик, аудиторлар аудиторлик ташкилотида қабул қилинган бухгалтерия ва ички назорат тизимларини молиявий ҳисботлари шаффоғлигига таъсир этувчи хатолар эҳтимолини аниқлаш учун баҳолаши керак. Бундай баҳолаш асосида ички назорат тизимини (ИНТни) тестдан ўтказиш, шунингдек, аудит жараёнининг мазмуни ва кўлами аниқланади.

ИНТ – молиявий ва иқтисодий фаолиятни муентазам ва самарали бажариш, активларни сақлаб қолиш, хатоларни аниқлаш, тузатиш ва олдини олиш ҳамда ахборотни бузиб кўрсатиш, шунингдек ўз вақтида ахборотни тарқатиш воситаси сифатида аудиторлик текшируви ўтказиладиган корхонанинг раҳбарияти томонидан қўлланилувчи ташкилий чоралар, усул ва амаллар йиғиндиси, шунингдек, сифатли молиявий ҳисботлар тайёрланишини текширишни назарда тутади.

Ички назоратни ташкил этиш, биринчи навбатда, ташкилотнинг иқтисодий фаолият турига боғлиқ бўлиши мумкин, айни пайтда у бошқа назорат турлари – аудит, солиқ, валюта назорати билан боғлиқ. Ички назорат, назоратнинг бошқа турларидан фарқли ўлароқ ҳар бир ташкилотда мавжуд бўлиши ва доимий равища амал қилиши керак.

Аудиторлик текшируви далиллари – турли манбалардан олинган маълумотлар ва турли хил усуллар асосида ўз фикрини шакллантиради.

Аудиторлик текшируви далилларни олиш усуллари - аудит амаллари бўлиб, улар қуидагилардан иборат: текшириш, кузатиш, расмий сўров, қайта ҳисоблаш, таҳлилий амаллар, ташқи тасдиқнома ва қайта текшириш [8].

Аудит амаллари аудиторлик текширувининг дастлабки босқичида ташкилотнинг хусусиятларини тушуниш, ушбу фаолият ва бирмунча катта рисклар билан боғлиқ молия-хўжалик операцияларини аниқлаш учун қўлланилади. Аудиторлик текширувида моҳиятан, аудиторлик амаллари текширилаётган кўрсаткичлар даражасида сезиларли ўзгаришларнинг сабабларини аниқлаш имконини беради. Замонавий аудиторлик ташкилотлари аудиторлик амалларини амалга оширган ҳолда ўз ихтиёрида турли йўл ва усулларга эга бўлиб, уларни аудиторлик текшируви пайтида юзага келувчи мураккаб вазиятга боғлиқ равища қўллайди.

Текширилаётган компания фаолияти хусусиятларини мукаммал билган ҳолда аудит усулларидан фойдаланиш аудитни иложи борича тез ва самарали ўтказиш имконини беради. Фикримизча, аудиторлик амалларининг энг муҳим усулларидан бири инвентаризация ҳисобланади.

Инвентаризацияни ўтказиша қуидагиларни амалга ошириш зарур: ҳисобларни кузатиш; чек-варақни (намунани) тўлдириш ва муҳокама қилиш; инвентаризация комиссиясининг барча аъзолари мавжудлигини тасдиқлаш; инвентаризацияни қандай амалга оширилишини аниқлаш: ҳақиқий ҳисоблаш, тортиш, ўлчаш ва асбоблар кўрсаткичларини олиш; инвентаризация вақтида

захираларнинг ҳаракати устидан етарли назоратни таъминлашга эътибор бериш зарур. Инвентаризация жараёнида аудитор бир хўжалик операцияси ёки уларнинг гурухи текширилишидан қатъий назар бир ёки бир нечта амални қўллаши мумкин.

Аудиторлик текшируви вақтида аудиторлар инвентаризацияни ўтказишлари мумкин, бу уларга ҳисобнинг ишончлилиги ва ички назорат тизимининг самарадорлигини аниқ баҳолашда ёрдам беради. Агар аудиторлик ташкилоти ички назорат тизими(ИНТ)нинг ишончлилигини умуман ёки айрим назорат воситалари юқори сифатида тўлиқ назорат этса, у аудиторлик текшируви танлови давомида текширилувчи ҳисоб-китоб элементлари сонини ўртacha чегарага камайтиришга қодир.

Аудитор ишининг самарадорлиги текширишнинг танланган усуллари, шунингдек аниқ белгиланган мақсад ва вазифаларга мувофиқ мослашувига боғлиқ. Аудит усуллари иқтисодий таҳлил усуллари билан ўзаро боғлиқдир. Аудитнинг якуний босқичида аудит натижаларини умумлаштириш тавсия этилади.

Аудитор «Аудитни режалаштириш ва амалга оширишда муҳимлик» номли 320-сонли АХС талабларига мувофиқ аниқланган хато, камчилик ва қоидабузарликларни таҳлил қиласди. Ўтказилган текширув материаллари асосида текширилаётган корхона бошқаруви ва аудиторлик хulosаси учун ҳисббот тайёрланади. Хатолар аудиторлик текшируви натижалари бўйича аудитор хulosаларининг муҳим қисмини ташкил этади, бироқ уларнинг асослилигини таъминлаш керак.

Аудитдаги далиллар сифатида тижорат ташкилотининг молиявий ҳисбботлари тўғрилигини текшириш натижасида олинган маълумот манбалари хизмат қиласди. Текширув давомида аниқланган хатолар, ноаниқлик ва нотўғри маълумотларни уларнинг муҳимлиги ва аҳамиятига кўра тизимлаштириш керак. Бунда текширув сифати асосан аудит вақтида фойдаланилувчи аудиторлик тартиботлари сони ва мазмунига боғлиқдир.

Шундай қилиб, биз аудитнинг асосий босқичларини батафсил ёритдик, улардан товар-моддий захиралар аудитида фойдаланиш тавсия этилади (1-жадвал).

1-жадвал

Товар-моддий захиралар аудитини ўтказишнинг асосий босқичлари¹

Босқич	Босқичнинг моҳияти
1. Режалаштириш	“Аудитни режалаштириш” номли 300-сон АХСга мувофиқ аудиторлик ташкилоти ўз ишини текширув самарали ташкил этилиши учун режалаштириши шарт. Аудитни режалаштиришда аудиторлик амаллари ҳажми ва уларни ўтказиш муддатлари, турли тавсифларга муфассал ёндашув ва умумий стратегияни ишлаб чиқиши мақсад мувофиқ.
2. Ички назорат	ИНТнинг бешта элементи кесимида ишлаб чиқилган:

¹ Муаллиф томонидан тузилган

тизими(ИНТ)ни баҳолаш	бошқарув мухити, аудит ўтказилаётган субъект рискларини баҳолаш жараёни, ахборот тизими, шу жумладан, молиявий ҳисоботи, назорат воситалари мониторинги,
3. Аудиторлик танлаш	Танлаш "Аудиторлик танлаш" номли 530-сонли АХС талабларига мувофиқ шакллантирилади. Бунда сертификациядан фойдаланилиб, унда тадқиқ этилаётган операциялар йигиндинсини кичик йигиндиларга ажратиш лозим.
4. Аудиторлик далиллари, уларни олиш турлари ва амаллари	Аудиторлик текширувни ўтказиш "Аудиторлик далиллари" номи 500-сон АХС аудиторлик далилларини йиғиши ва баҳолаш жараёнини англатади. Аудиторлик текширувни ўтказиш аудиторлик далилларини йиғиши ва баҳолаш жараёнини ўзида акс эттиради. Аудитор далилларни аудиторлик амалларини бажариш орқали тўплайди.
5. Аниқ бўйлим бўйича текширув натижаларини умумлаштириш ва яқуний ҳужжатни шакллантириш учун маълумот тайёрлаш	<p>Аудиторлик амаллари натижаларига кўра, хатоларни аниқлаш, уларнинг оқибатларини таҳлил қилиш, бажарилган ишларнинг ишончлилигини тасдиқлаши керак.</p> <p>Текширув натижалари бўйича аудиторлик ҳисоботи қўйидагиларга мувофиқ тузилиши керак:</p> <p>700-сон АХС Молиявий ҳисоботлар тўғрисида фикр ҳосил қилиш ва ҳисбот (хулоса) бериш</p> <p>705-сон АХС Мустақил аудитор ҳисоботи (хулосаси)- да фикрни модификациялаш</p> <p>706-сон АХС Мустақил аудиторлик ҳисоботи (хулосаси)да тушунтириш параграфлари ва бошқа масала параграфлари</p> <p>710-сон АХС Қиёсий ахборот – қиёсий қўрсаткичлар ва қиёсий молиявий ҳисботовлар</p> <p>720-сон АХС Аудит ўтказиш жараёнида текширилган молиявий ҳисботовларни қамраб оладиган ҳужжатлардаги бошқа маълумотларга нисбатан аудиторнинг жавобгарлиги</p>

Шундай қилиб, товар-моддий захиралар аудитини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича мазкур ёндашув аудитнинг таклиф этилаётган босқич ва усуллари моҳиятини чуқурроқ англаш имконини беради, бу эса аудит хизматларини такомиллаштириш учун шароит яратади. Ҳўжалик юритувчи субъектларда аудит босқичларини ўтказиш изчиллигига риоя этиш аудиторлик текширувлари сифатини ошириш имконини беради.

ХУЛОСА

- Олиб борилган тадқиқотлар шундан далолат берадики, иқтисодиёт тармоқларидағи ҳўжалик юритувчи субъектлари активлари таркибида товар-моддий захиралар катта салмоққа эга ҳисобланади. Жаҳон амалиётидан маълумки товар-моддий захиралар билан боғлиқ операциялар фирибгарлик ҳолатига мойилдир. Шу боисдан товар-моддий захираларнинг кирим қилиниши, сақланиши ва сарфланиши жараёнида аудиторлик текширувларига жиддий эътибор қаратиш лозим.

2. Товар-моддий захиралардан самарали фойдаланиш ва унинг назоратини ташкил қилишда аудитнинг халқаро стандартларига кенг эътибор қаратиш лозим. Аудитнинг халқаро стандартларини қўллаш орқали товар-моддий захиралар бўйича фирибгарлик ҳолатини олдини олиш ва аудиторлик рискини камайтириш мумкин.

3. Тадқиқотлар натижасида товар-моддий захиралар аудитини ўтказишнинг бешта босқичи ишлаб чиқилди. Мазкур босқичларда товар-моддий захиралар аудитини ўтказишда қўлланиладиган аудитнинг халқаро стандартлари келтириб ўтилди. Товар-моддий захиралар аудитида белгиланган тадбирларнинг аудитор томонидан тўлиқ амалга оширилиши аудит сифатининг ошишига ва ишончли аудиторлик хуносасининг шаклланишига хизмат қиласди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Andrew Gross, Jamie Hoelscher, Brad J. Reed, Gregory E. Sierra. *The new nuts and bolts of auditing: Technological innovation in inventorying inventory.* // *Journal of Accounting Education. Volume 52, September 2020, 100679*

2. Avlokulov A. Aligning financial results' audit with international standards in Uzbekistan: comparative and compatibility analysis. // International Journal of Economics, Commerce and Management. Vol. V, Issue 10, October 2017. Licensed under Creative Common Page 67 <http://ijecm.co.uk/wp-content/uploads/2017/10/5105.pdf>

3. Аудит: учебник для студентов вузов, обучающихся по экономическим специальностям. / Под ред. В.И. Подольского. – 5-е изд., перераб. и доп. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2011. – С. 99.

4. Бычкова С.М. Аудит: учеб. пособие / под ред. проф. Я.В. Соколова. – М.: Магистр, 2011. – С. 75.

5. Cristina Iovu. Aspects concerning the internal audit of inventories. // Audit financlar, XV, Nr. 2(146)/2017, 276-283 ISSN: 1583-5812; ISSN on-line: 1844-8801

6. Рогуленко Т.М., Пономарева С.В. Аудит: учебник. – М.: КНОРУС, 2010. – С. 97.

7. Sitraselvi Chandren, Santhirasegaran Nadarajan, Zaimah Binti Abdullah Inventory Physical Count Process: A Best Practice Discourse. // International Journal of Supply Chain Management. Vol. 4, No. 3, September 2015

8. Хажимуратов Н.Ш. Акциядорлик жамиятларида молиявий хисобот аудитини такомиллаштириш: 08.00.08: Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Тошкент молия институти. -Т., 2018. -56 б.

9. Xi Wu, Xueqin Wang, Yulong Yang. The puzzling association between inventory and auditor pricing in China. // *China Journal of Accounting Research. Volume 11, Issue 4, December 2018, Pages 351-366.*

